



### **МЕНИНГ ДАРГОХИМГА ИЛТИЖО КИЛИБ ПАНОХ ИСТАБ КЕЛГАН ТУРКУ ТОЖИК, АРАБУ АЖАМ ТОИФАЛАРИДАН БЎЛГАНЛАР БОРАСИДАГИ ТУЗУК**

Биринчи навбатда, мазкур тоифа ва табакалардан бўлгак саййидлар ва уламони иззат-хурмат килишни, ҳар қандай истаклари бўлса дарҳол мухайё этиб, муқаррар равишда уларнинг аҳолидаи хабардор бўлиб туришни буюрдим. Агар сипохийлар тоифасидан бўлсалар, хизмат ўринларини белгилаб, ҳол-аҳволларига яраша эҳтиёжлари таъминлансин. Агар қасбу ҳунар за маърифат аҳлларидадан бўлса, бундайларга салтанат қорхоналаридан юмуш берилсин. Булардан бошқа, билагида қучи бор фақир-мискинлар эса ўз аҳоли ва қасбу қорига қараб иш тутсинлар. Яқ шундай амр қилдим, сармоёси қўлидан кетиб қолган савдогарга ўз сармоёсини қайтадан тиклаб олиши учун ҳазинадан етарли миқдорда олтин берилсин. Дехқонлар ва раиятдан қайси бирининг дехқончилик қилишга қурби етмай қолган бўлса, унга экин-тикин учун зарур уруғ ва асбоб тайёрлаб берилсин. Агар фуқародан бирининг уй-иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса, қеракли усқуналарини етказиб бериб, унга ёрдам берилсин. Ҳар тоифа ва ҳар синфдан

## Темур тузуклари (7)

Муаллиф:

19.01.2014 19:59 - Янгиланди 19.01.2014 20:03

---

кимки ўз ихтиёри билан сипохгарчилик хизматига киришни истаса, уни аскарый [хизматга] олсинлар. Асил ва шижоатли сипохийзода кайси тоифадан бўлмасин, унга ўрин бериб, килган хизматига ва ишига яраша тарбият килсинлар. Яна амр килдимки, узок-якиндан бирон киши келиб, менинг мажлисимга кирар экан, кайси тоифадан бўлса хам, давлатим дастурхони неъматидан уни курук кайтармасинлар.

Кимники хузуримга киритган бўлсалар ва кўзим унга тушган бўлса, холига яраша хурматлаб, совга-саломлар билан кузатсинлар.

Хар қандай одам менинг адолат девонимдан панох топган экан, гунохи бўлса хам, уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи марта яна гунох килгудек бўлса, у холда гунохига яраша жазоласинлар.

### **САЛТАНАТНИ ЎЗ ЭРКИМДА САКЛАШ УЧУН АМАЛ КИЛГАН ТУЗУГИМ**

Ушбу ўн икки нарсани ўзимга шиор килиб олганлигим учун тўла мустакиллик билан салтанат тахтига ўтирдим. Ўз тажрибамдан синаб билдимки, агар кай бир подшоҳ шу ўн икки нарсага эга бўлмас экан, салтанатдан бебахра колур.

Биринчидан, ўз сўзига эга бўлсин, ишини ўзи билиб килсин, яъни раият подшосининг айтган сўзини, килган ишини ўзи айтади, ўзи килади, ҳеч ким бунга аралашолмайди, деб билсин. Шундай бўлгач, подшоҳ салтанат мартабасига шерик бўлгудек килиб бировнинг гапига ва ишига эргашмасин. Гарчи яхши сўзни ҳаммадан эшитиш зарур бўлса хам, лекин сўзда, ишда бошқалар салтанат ишларида подшоҳга шерик, ёхуд устун бўлмасликлари шарт.

Иккинчидан, султон ҳар нарсада адолатпеша бўлсин, қошида инсофли, адолатли вазирлар сакласин, токи подшоҳ зулм килгудек бўлса, одил вазир унинг чорасини топсин. Агарда вазир золим бўлса, кўп вақт ўтмай салтанат уйи кулайди. Чунончи, амир Хусайннинг золим бир вазири бор эди. У сипоҳу раиятга ҳак-ноҳак жарималар солар эди. Орадан кўп вақт ўтмай ўша ноинсоф вазирнинг шумлигидан амир Хусайннинг салтанат уйи хароб бўлди.

## Темур тузуклари (7)

Муаллиф:

19.01.2014 19:59 - Янгиланди 19.01.2014 20:03

---

Учинчидан, бутун мамлакатда буйрук-фармон бериш ишлари подшонинг ўз ихтиёрида бўлиши лозим. Подшоҳ ҳар ишда ўзи ҳукм чиқарсин, токи ҳеч ким унинг ҳукмига аралашиб, ўзгартира олмасин.

Тўртинчидан, подшоҳ ўз қарорида қатъий бўлсин, яъни ҳар қандай ишни қилишга қасд қилар экан, то битирмагунича ундан қўл тортмасин.

Бешинчидан, подшоҳ ҳукми жорий этилиши даркор, яъни қандай ҳукм чиқаришидан қатъий назар, амалга ошириши керак. Бирон кимса гарчи ҳукми зарарли деб билган бўлса ҳам, унга монелик қилолмасин. Чунончи, эшитганманки, султон Маҳмуд Газнавий Газна шаҳри майдонида қатта тошни келтириб ташлашни буюрган экан. Ундан ўтқинчи-кетқинчиларнинг от-уловлари хурқиб ўта олмай қолибди. Шунда одамлар тош йўл бўйидан олиб ташланса, деб султон ҳузурига қанчалик арз-шиқоят қилиб боришмасин, султон «чиқарган ҳукмидан қайтмайман, унга ҳилоф бирон иш ҳам қилмайман», деган экан.

Олтинчидан, подшоҳлик ишларини тамоман бошқага топшириб, эрқни унга бериб қўймасинким, дунё хиёнатчи хотин сингари, унинг хуштори қўпдир. Агар шундай қилар экан, ўзганинг нафси тез орада подшоҳ бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга қиришади. Чунончи, султон Маҳмудга хоинлик қилган вазирлар уни салтанат тахтидан тушириб, тахтга ўзлари эга бўлдилар. Шундай бўлгач, салтанат ишларини ишончли ва мўътабар бир неча кишига бўлиб бериш лозим. Шунда ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига қўз олайтира олмайди.

Еттинчидан, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдалироқ бўлса, уни қўнғил ҳазинасида сақлаб, вақтида ишлатсин.

Саккизинчидан, салтанат ишларида, сипоҳу раиятга боғлиқ масалаларда бошқаларнинг сўз ва феълига қараб амал қилмасин. Вазирлар, амирлар бирон кимса ҳақида яхши-ёмон сўз қилар эканлар, эшитсин. Лекин уни амалга оширишда бутун ҳақиқат аён бўлмагунича шошмай, мулоҳаза билан иш тутсин.

Тўққизинчиси, подшоҳ хайбати сипоҳу раият қўнғлида шундай ўрнашган бўлиши керакки, унинг амр-фармонида ҳеч ким қаршилиқ қилишга журъат этолмасин; итоат ва тобеълик

## Темур тузуклари (7)

Муаллиф:

19.01.2014 19:59 - Янгиланди 19.01.2014 20:03

---

килиб, исён кўтармасин.

Ўнинчиси, [подшо] нима килса, ўз эркича килсин, нима деса ўз сўзида катъий турсин, чунки подшоҳларнинг ҳукм хурматидан бошка бахрамандликлари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат — буларнинг бариси унинг ҳукми биландир.

Ўн биринчиси, салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшоҳ ўзини ягона билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги килмасин.

Ўн иккинчиси, [подшоҳ] мажлис ахлидан огоҳ ва хушёр бўлсинким, улар кўпинча айб ахтариб, уни ташкарига ташийдилар. Подшоҳнинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Масалан, шунга ўхшаш бир воқеа менинг ўзим билан рўй берганди. Ўзимнинг хос мажлисимдаги бир канча сухбатдошларим вазирлар ва амирларимнинг жосуслари экан.

## СИПОХ САКЛАБ ТУРИШ ТУЗУГИ

Амр килдимки, қачонки асл сипоҳлардан иш кўрган, жанг-жадал билан суяги котган ўн киши йигилса, булардан қайси бирининг шижоати, ботирлиги ортиқроқ бўлса, колган тўққизтасининг розилиги ва маъқуллаши билан, уни ўзлариға бошчи сайлаб, отини ўнбоши деб атасинлар.

Ўн нафар ўнбоши жам бўлса, ўз ичларидан энг иш кўрган, жанг майдонларида тобланиб тажриба орттирган, баходирликда номи чиккан бировини амир килиб, уни юзбоши деб номласинлар.

Агар ўн юзбоши йигилса, амирзодалардан аклли, шижоатли, баходир бир кишини амир этиб сайлаб, уни мингбоши десинлар ва амири хазора деб улугласинлар.

Агар қарамларидаги бирон кимса ўлса ёки қочиб кетса, ўрниға янги кишини тайинлаш

## Темур тузуклари (7)

Муаллиф:

19.01.2014 19:59 - Янгиланди 19.01.2014 20:03

---

Ўнбошиларнинг ихтиёрида бўлсин. Шунга ўхшаш юзбошилар ўнбошиларни, мингбошилар юзбошиларш тайин килсин. Булардан ўлган, кочган, янги тайинланганлар бўлса сабабларини айтиб, менинг арзимга етказсинлар.

Яна амр килдимки, чорпилчор кунларида ва салтанат ишларини бошқаришда мингбошининг хукми юзбошига, юзбошиники ўнбошига, ўнбоши ники [эса] кўл остидагиларга жорий этилади Агар бу тузукка қаршилик килсалар жазога тортилсинлар. Ага чорпилчор ишларида ким камчиқка йўл кўяр экан, уни чакири ўрнига бошқани кўйсинлар.

## СИПОХГА УЛУФА БЕРИШ ТУЗУГИ

Амр килдимки, амирлар, мингбошилар, юзбошилар, ўнбошилар ва бошқа сипохийларга ушбу тартибда маош берилсин; оддий сипохийга ўз вазифасини ўринлатиб бажариши шарти билан маоши минган отининг бахоси бўлсин. Баходирларнинг маоши икки от бахосидан тўрт отгача тайин килинсин. Ўнбошилар маоши кўл остидаги оддий сипохийларидан ўн баробар ортик бўлсин. Юзбошилар маоши ўнбошиларга караганда икки баробар, мингбошиларники эса юзбошиларникидан уч баробар зиёда бўлсин.

Яна ҳукм килдимки, сипохийлардан қайси бири чорпилчор ишларида хатоликка йўл кўйса^маошидан ўндан бирини камайтирсинлар.

Яна буюрдимки, ўнбоши юзбошининг тасдиғи билан, юзбоши мингбошининг тасдиғи билан, мингбоши амир ул-умаронинг тасдиғи билан улүфа олсинлар.

Амир килдимки, амир ул-умаронинг маоши ўз кўл остидагилардан ўн баробар ортик бўлсин. Шунга ўхшаш, девонбеги ва вазирларнинг маошлари эса; амирлар маошидан ўн баробар кўп бўлсин. Ясовуллар, чоповуллар, калакчиларнинг маошлари ўз хизматларига яраша, мингдан ўн минг [танга] гача бўлсин.

Ахли мажлис бўлмиш саййидлар, олимлар, фозил кишилар, ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, киссаҳонлар, хабарчилар, тарихдонларга ўз ҳолларига қараб, суюрғол,

## Темур тузуклари (7)

Муаллиф:

19.01.2014 19:59 - Янгиланди 19.01.2014 20:03

---

вазифа ва маош белгиласинлар. Пиёдалар, хизматчилар, фаррошларга юздан минггача маош берсинлар.

Яна хукм килдимки, амир ул-умаролар ўз маошларини девонбеги ва вазирларнинг тасдиги билан олсинлар. Давлат томонидан бериладиган бутун маошларнинг тўлик маълумотларини девонбегини вазирлар аввал менга билдириб, сўнгра танхо берсинлар.

Яна буюрдимки, сипохийларнинг хар бирига маош олиш ёрлиги тпширилсин. Уларга берилган маблаг микдори шу ёрлигнинг оркасига ёзиб қўйилсин.

### **СИПОХГА ТАНХО ВА УЛУФА ТАКСИМЛАШ ТУЗУГИ**

Амр килдимки, пиёдалар, калакчилар, ясовуллар, чоповулларнинг бир йиллик маошларини хисоблаб, белгиланган маблагни девонхонага келтириб, шу ерда уларга улаштирсинлар. Булардан бошка сипохийлар ва баходирларнинг олти ойлик маошини хам хисоблаб, танхо хазинасидан олиб беришни буюрдим.

Ўнбоши, юзбошиларга маош шахар омонлиги хазинасидан ва подшолик мулки даромадидан нақд пул хисобида ёзилсин. Мингбошиларга вилоят ичидаги ерлардан тиюл берсинлар. Амирлар ва амир ул-ўмароларга эса сархад ерлардаги вилоятлардан бири тиюл килиб белгилансин.

Вилоятлардан тушган даромадларни ушбу йўсинда тахсимлашни буюрдим: Вилоятлар ва мамлакатлардан олинган жами даромадни тахсимлаб, маош бериш ёрликларига бирига кам, бирига ортик килиб ёзсинлар. Сўнг ёрликлар девонхонага келтирилсин. Амирлар ва мингбошилар шу ёрликлардан бирини чикариб олеин. Агар ёрликда маошидан ортик [кўрсатилган] бўлса, бошкани ўзига шерик килсин. Бордию кам бўлса, уни қўйиб бошка ёрлик тортиб олсин.

Яна хукм килдимки, амирлар, мингбошилар раиятдан молу жихот йикканларида, хирождан ортикча соварий, қўналга ва шилон талаб килмасинлар.

## Темур тузуклари (7)

Муаллиф:

19.01.2014 19:59 - Янгиланди 19.01.2014 20:03

---

Тиюл килиб берилган хар бир мамлакатга иккитадан вазир тайинласинлар. Бири вилоятдан йигилган молларни ёзиб, раият ахволини текшириб турсинки, жогирдор фукарога жабр-зулм етказиб, уларнинг холини хароб этмасин. У вилоятдан йигилган бутун мол-ашёларни кирим дафтарига ёзиши лозим. Иккинчи вазир эса, [даромаднинг] харж этилган кисмини чиким дафтарига ёзсин ва [йигилган моллардан] сипохийларнинг маошига таксим килсин. Кайси амирга тиюл берилар экан, уни уч йилгача ўз холига кўйсинлар. Уч йил ўтгандан сўнг уни текшириб кўрсинлар. Агар мамлакат обод, раият рози экан, шу холича колдирсинлар. Агар ахвол бунга хилоф равишда бўлса ул вилоятни холиса'га ўтказиб, уч йилгача ўша жогирдорга улуфа берилмасин.

Яна буюрдимки, хирожни раиятдан калтаклаш ва савалаш йўли билан эмас, балки огохлантириш, кўркитиш ва тушунтириш йўли билан ундирсинлар. Кайси хоким хукмининг таъсири чўп ва калтаклаш таъсиридан камрок бўлса, ундай хоким хукумат юргизишга яроксиздир.

давоми бор

[1.](#) [2.](#) [3.](#) [4.](#) [5.](#) [6](#)